

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ
ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

10.53885/e5380-7048-7946-r

Қиличева Гулчехра Бахром қизи ЖДПИ талабаси

Калит сўзлар: ўйинлар, мусобақа, баркамоллик, жисмоний тайёргарлик, уюшқоқлик, тарбия, жисмоний машқлар, жисмоний сифатлар.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактабгача таълим муассасаларида ҳаракатли ўйинлар орқали болаларни жисмоний сифатларни ривожлантириш ҳамда тарбия аҳамияти ёритиб берилган.

Ключевые слова: игры, соревнования, совершенствование, физическая подготовка, организация, тренировка, упражнения, физические качества.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается важность развития физических качеств детей и их воспитания через подвижные игры в дошкольных учреждениях.

Key words: games, competitions, improvement, physical training, organization, training, exercises, physical qualities.

ANNOTATION

This article highlights the importance of developing the physical qualities of children and their education through outdoor games in preschool institutions.

Маълумки, боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор атрофни ҳодиса ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз. Болалар жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш, кичкинтойнинг илк ёшдан соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама уйғун ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.

Болаларни коллективчилик, меҳнатсеварлик ва жамоат олдига ўз бурчуни ҳис қилиш руҳида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг муҳим масалалари ҳисобланади. Бола мактабга қадам қўйган биринчи кундан бошлабоқ унда меҳнатга нисбатан муҳаббат уйғотиш, уюшқоқлик, ишчанлик ҳамда бошлаган ишини охирига етказа билиш хусусиятини тарбиялаш керак. Бунинг учун тарбиянинг барча вазифаларидан жумладан, болаларнинг сеvimли ўйинларидан фойдаланиш аynи мудаодур.

Ўйинлар ҳаётдаги тўсиқларни енгиш ҳамда ҳар хил ҳислат ва қобилиятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган жисмоний машқларнинг турли комплексини ўз ичига олади. Бундан ташқари одатда болалар севиб ўйнайдиган уларга қувонч бахш этадиган мусобақа элементлари ҳам ҳаркатли ўйинлар таркибига киради.

Маълумки мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўйинлари тақлид қилиш табиатида бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ҳаракатли ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Масалан: 5 ёшли болаларнинг ҳаракатли ўйинлар мазмуни ранг-баранг, атроф-теваракда ҳаётда учрайдиган воқеалар тўғрисида уларнинг тасавури ва билими ошиб бориши билан боғлиқ бўлади.

Болаларни ўйин вақтида фаол ҳаракат қилиши кўп жиҳатдан уларнинг малакаси ва кўникмасига теvarак-атрофни яхши билишга, ҳаракатларни сабоқ, чаққонлик, идрок ҳамда ҳамкорликда бажаришга боғлиқ бўлади. Аксарият ўйинларда бошловчи бўлади лекин баъзан бу вазифани ўйинчиларнинг 2-3 нафари бажариши ҳам мумкин. Ўрта гуруҳлар учун мўлжалланган ҳаракатли ўйинларнинг баъзилари мазмунига ва бажариладиган вазифа тасвирига эга бўлмиди.

Бунда ўйинларга мусобақа тусини киритиш ҳам мумкин. Кўпинча қофияли сўзлар ўйин мазмунини очиб беради ва уни тўлдиради ҳамда ҳаракат учун ишора хизматини ўтайди. Сўзлар кўпчилик бўлиб айтилса, яна ҳам яхши бўлади.

6 ёшли болалар билим доираси тобора кенгайиб боради бинобарин ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни ҳам муракаббланилади. Ўйин қоидалари ҳам муракаббланиб бориши туфайли уларни бажаришда аниқлик диққат-эътибор, қфик-тоқат, ишоралардан тез таъсирланишга ўрнатиш,

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

ортикча ҳақракатларни чеклаш талаб этилади. Ўйин қондаси интизомнинг еаркиб топишига ёрдам беради.

Маълумки ҳақракатли ўйинларда иштирок этиш учун болаларни гуруҳларга бўлиш керак бўлади. Бунда кўпинча кучли ўғил болалар билан қизлар фақат қизлар билан гуруҳлашишга интиладилар.

Бу ўқинларни бойишига ва натижасига таъсир этади. Шунинг учун тарбиячи кучлироқ болалар билан жисмоний ҳаракати сушт болалар билан, ўғил болаларни эса қизлар билан гуруҳ-гуруҳ қилади. Бунда ўғил ва қиз болаларнинг одоб-ахлоқни бўлиши, яхши тарбия топиши катта аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари ўғил болалар қизлардан қолишмаслик учун анча ташаббускор бўлади қизларни ҳурмат қилишга ўрганади.

Мактабгача таълим муассасаларида ҳаркатли ўқинлар сифатида биз болаларга “Бойқушча”, “Мерган”, “Кун ва тун”, “Бўш ўринга”, “Уйсиз қуён”, “Балиқчалар-балиқчалар” каби ҳаракатли ўйинларўйинатишимиз мумкин.

Ҳаракатли ўйинлар ташкил этиб ўтказишда ўқувчиларни ёшига, жинсига, жисмоний тайёргарлигига ҳамда уларни физиологик хусусиятларини эътиборга бериш лозим. Ўйинларни ўтказиш мобайнида жойларни танлашда очиқ майдонларда ўтказиш тавсия этилади. Ҳаркатли ўйинлар ўз вазифасига кўра билим берувчи, соғломлаштирувчи, даволовчи ҳамда ҳордик чиқарувчи бўлимларга бўлинади.

Масалан “Бўш ўринга” ҳаракатли ўйин ўйнаш усулини тушунтириб бераман. Бунда: Бошқарувчи ўйинчидан бошқа ҳамма ўйинчилар бир-бирларидан бир қадам ораликда айлана ҳосил қилиб турадилар. Бошқарувчи айлана атрофида юра туриб ўйинчилардан бирини аста туртади ва у ёхуд бу томонга қараб югуради. Қўл теккан ўйинчи эса қарама-қарши томонга югуриб тезроқ ўз-ўзини яъни бўш турган жойни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Айлана атрофидан югуриб келиб, бўш жойни биринчи эгаллаб олган ўйинчи ўша ерда туриб қолади. Етиб келмаган ўйинчи эса бошқарувчи бўлиб қолади. Ўйин яна давом этирилади. Югуриш мусобақасини оёқда сакраш билан ҳам алмаштириш мумкин.

Бундай ўйинлар орқали болаларга тарбиявий аҳамияти шундаки, болаларда жисмоний сифатлар (чаққонлик, тезкорлик) сифатлари ошади. Нафақат ўйинлар орқали болаларда жисмоний баркамоллик билан биргаликда ақлий ҳамда ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этади. Жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинарда болалар мақсадга эришиш учун қатъатлилик, иродалилик, жамоа бўлиб ишлаш (ҳаркат) қилиш, бир-бирларига ёрдам бериш ҳамда ҳурмат қилиш каби сифатлар ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўҳати:

1. Усмонхўжаев Т.С. ва бош. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар. Т.: “Иқтисод-молия”. 2015 й.
2. Мелиев Х.А., Ғуломов А.Х. Қадриятни тиклашда миллий ҳаракатли ўйинларнинг ўрни // Жисмоний маданият таълим-тарбияси жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишни такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2003. – Б. 136 – 138.
3. Karomatovich I. A. PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL SUPPORT OF YOUNG TEAM ATHLETES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 1011-1016.
4. Ibragimov A. K. DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //E-Conference Globe. – 2021. – С. 333-338.
5. Karomatovich I. A. METHODS OF TEACHING CHILDREN FOR MOVEMENT ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 242-249.
6. Ibragimov A. K. Catalog of training tasks for training special endurance of young girl handball players. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. Year: 2020, Volume: 10, Issue: 11. P: 486-492. DOI: 10.5958/2249-7137.2020. 01410. X.
7. Narzullayev, Farrux. "Qizlar sporti yo'nalishi bo'yicha tahsil olayotgan qizlarning yengil atletika darslarida kuch siaftlarini rivojlantirishning pedagogik asoslari." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 1.1 (2020).
8. Ashrapovich, N. F. (2021). Determination of physical development of primary school students through national movement games. *Middle European Scientific Bulletin*, 11.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

9. Ashrapovich, N. F. (2022). FORMS OF CONTROL OVER THE PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY OF THE TRAINER AND ITS PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 372-379.
10. Narzullayev, Farrux Ashrapovich, and Dinara Olimovna Begimkulova. "Sport psixodiagnostikasi fanini o'qitishda ta'lim texnologiyalardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari." *Science and Education* 3.4 (2022): 1724-1730.
11. Nematovich K. S. Abduyeva Sitorabonu Savridin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features // *Journal of Critical Reviews*. doi. – Т. 10. – С. 470-471.
12. Салимов, Г. М., Дустов, Б. А., Фарманов, У. А., & Рахмонов, Р. Р. (2020). Показатели констатирующего этапа экспериментальной работы по физическому развитию учеников 7-10 лет общеобразовательных организаций Узбекистана. *Педагогическое образование и наука*, (1), 91-97.
13. Akmalovich, Dustov Bakhtiyor. "Acmeological peaks of a sports teacher and coach." *Middle European Scientific Bulletin* 11 (2021).
14. Akmalovich, D. B. (2020). Organization of independent work of students in the process of physical education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(11), 120-123.
15. Safarova Rokhat G. Ways and factors of optimization of the content of general secondary education in today's world // *Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития*. 2012. №2 (eng). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ways-and-factors-of-optimization-of-the-content-of-general-secondary-education-in-today-s-world> (дата обращения: 09.05.2022).
16. Мухитдинова Н.М. Абитова Ж.Р. Механизмы интеллектуального развития дошкольников с помощью физических занятий // *Проблемы педагогики*. - 2020- № 3 (48) с 79-81
17. Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольных образовательных организациях // *Проблемы науки*-2020-№9 (57) с 81-83
18. Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // *Intellectual Archive* 2018 с 93-96
19. Djurayeva Maxasti Zokirqizi "The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions" 88-101 betlar. *International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences*. Vol.1 №2 February 2022
20. Джураева Махасты Зокировна "Характеристика эмоционально –волевой готовности личности к спортивной деятельности" 169-171 betlar. Россия-Таджикистан –Узбекистан. молодежь и развитие духовной культуры общества: актуальные проблемы и перспективы их решения. 22апреля 2022г.
21. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>
22. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. *Eastern European Scientific Journal*, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>
23. Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921>
24. В Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>
25. ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147
26. Маъмуров Б.Б. Маманазаров А.Б. Условия развитие у будущих учителей навыков проектирования учебного процесса на основе акмеологического подхода. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37269472>
27. Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я. У. краткий исторический обзор развития физического воспитания и спорта // *Academy*. – 2020. – №. 9 (60).
28. Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе // *Вестник магистратуры*. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

29. U. A. Fayzieva, M. T. Khikimova. Conditions of effectiveness of pedagogical communication. <https://mbukckslg.ru/en/usloviya-ushnogo-pedagogicheskogo-obshcheniya-ego-funkcii-organizatsiya.html>

30. Fayziyeva Umida Asadovna Saidnazarova Gulshan Bolta qizi. "Ta'lim texnologiyalari" fanidan seminar mashg'ulotlarini bajarish bo'yicha metodik ko'rsatma. http://213.230.96.51:8090/files/ebooks/Iqtisodiyot/TALIM_TEXNOLOGIYALARI.pdf

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel